RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

# Milliy tiklanish

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 15 oktyabr, chorshanba

18 (299) son

*Ўзбекистон «Давлат тили ҳақида»ги Қонун яратилганлиги ва Давлат тили байрамининг 15 йиллигига*

## ДАВЛАТИМ ТИЛИ

Ҳаётимизда, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида, янги байрам куни юзага келди. У ҳам бўлса ҳар йилнинг 21 октябридир. 1989 йилнинг худди шу кунида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун, кўп ойлик муҳокама натижасида қўшимчалар ҳамда ўзгартишлар киритилгандан сўнг, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Мана ўн беш йилдирки, ҳар йилнинг 21 октябрида давлат тилимиз борасида олиб борилаётган ишларга хулоса ясаймиз ва шу асосда навбатдаги вазифаларга эътиборимизни жалб этамиз.

Аммо, бу йилги Давлат тили байрамимиз маълум даражада ўзига хос, десак бўлади. Маълумки, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун эълон қилингандан сўнг ўн беш йил ўтди. Шу ўн беш йил ичида давлатимиз тили ҳақидаги Қонунни ҳаётга татбиқ этишда, унинг таъсир доирасини кенгайтиришда, халқ онгида унинг ўрнини мустаҳкамлашда шу қадар улкан ишлар қилиндики, уларни тўла англашга яна қанча-қанча йиллар керак бўлади. Миллатимиз ўз тилига ўзи эгалик қила бошлади, уни такомиллаштириш жараёнида фаол қатнашиб, тилимизнинг тараққиётини тезлаштирмоқда.

Давлат тили ўзининг давлатига эга миллатнинг тилидир. Уни бойитиш, фойдаланиш доирасини кенгайтириш ва умуман такомиллаштириш тўла равишда миллатнинг ихтиёридаги масаладир. Аммо шу нарсани кўзда тутмоқ керакки, миллат, миллий давлат ва унинг тили ҳар бир даврда муайян конкрет шароитда мавжуд бўлади ва давлат тили қонун-қоидаларини белгилашда ана шу конкрет шарт-шароитларни инобатга олмоқ шубҳасиз талабдир.

Демак, ўзбек тилининг давлат тили сифатида қонун-қоидаларини аниқлашда ҳам шу тамойилга риоя қилиш даркор.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатида янада ривожланишини таъмин этишда навбатдаги вазифалар нималардан иборат? Бизнинг фикримизча, бунинг учун ҳозирги кунда уч масала диққат марказимизда бўлмоғи талаб қилинади. Булар, биринчидан, давлат тили назариясини яратиш, иккинчидан, ўзбек тилининг Изоҳли луғатини тайёрлашни тезлатиш ва учинчидан, лотинча ёзувга ўтиш муаммоларидир.

Давлат тили назарияси — тилнинг илмий пойдевори.

Ҳар бир ижтимоий воқеа ва жараён назарий жиҳатдан етарли асослансагина, у муваффақиятли тараққий этади, унинг ривожланиши йил сайин тезлашади. Табиийки, давлат тили масаласига ҳам бу талаб — қоида тегишлидир.

Аммо, таассуф билан эътироф этишга тўғри келадики, Ўзбекистонда давлат тили назарияси бўйича кўзга кўринарли иш қилинмоқда, деёлмаймиз. Бу масалада маълум даражада ўта хотиржамлик кайфияти мавжуд. «Яратганга минг шукр, — демоқчи бўладилар бамайлихотирчилар. — Тилимиз давлат тили даражасига кўтарилди, эркин, ҳеч қандай тўсиқ ёки монеълик сезмасдан ривожланмоқда. Бундан ортиқ бизга яна нима керак?!» Ҳозирги пайтда кўпчиликнинг фикр юритиши ана шу тарзда, дейиш мумкин. Мажозан айтсак, ўтмишнинг мустабид шароитидан қутулиб, мустақилликнинг мусаффо кенглигига чиққан халқимиз, давлат тили шуълаларига чўммоқда. Бу ҳолат оддий воқеликка айланмоқда. Ҳолбуки, бу воқеликни назарий жиҳатдан асослаш навбатдаги муҳим вазифалардан биридир.

Ўтмишнинг инсонни хўрлайдиган ва миллатни камситадиган шароитларидан қутулдик, бу озодликни онгимизга жойладик ва энди давлат тили масаласи билан назариёт даражасида шуғулланайлик, унинг ҳозирги замон мураккаб шароитларидаги ўрни ва вазифаларини назарий жиҳатдан тоблайлик.

Гап шундаки, мустақиллик тилимизга тўла эркинлик бериб қўйди. Шу асосда орамизда унга нисбатан бепарволик ва баъзан бефарқлик кайфиятлари пайдо бўлмоқда. Ваҳоланки, жаҳон бўйлаб ижтимоий жараёнлар тезлашгани сари тиллараро рақобат шаклланиб, аста кескинлашиб бормоқда, рақобатда «енгилган» ўнлаб-юзлаб миллий тиллар жамият тараққиётининг шоҳ йўлидан уватига чиқиб қолмоқдалар.

Ўзбек тили бозор муносабатлари ривожланган сари тиллар рақобати оламига кириб бориши муқаррардир. Шу рақобат курашида давлат тилимиз ўз ўрни ва аҳамиятини сақлаб қолибгина эмас, балки мустаҳкамлаши лозимлигини илмий ва назарий жиҳатдан асослаш вазифаси олдимизда турибди.

Маълумки, тил назарияси XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб илмий-тарихий асосда ёритилиб келинмоқда. Ўзбекистон олий ўқув юртларида тил назарияси давлат дастури асосида ўқитилади. Лекин бу маърузалар ёшларни умуман тил назарияси билан таништиради, давлат тили масаласида эса умумий маълумотлар билан

**(Давоми 2-бетда)**

## «ВАТАН – У МЕНИНГ ЖОНИ-ТАНИМ-САЖДАГОҲИМДИР»

*ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА*

**Миллий истиқлол жараёни энди ўсиб, миллий тикланиш босқичига ўтмоғи лозим. Миллий тикланиш–миллатнинг ўзини англаши, миллий тафаккурга кенг йўл очиш, Ватаннинг асл моҳиятини ҳар томонлама шакллантириш, бутун инсоният эъзозлаган қадриятлар асосида миллий камолот йўлини белгилаш, кучли демократик давлат қуришда ҳам жаҳон тажрибалари ҳам миллий–анъанавий омилларни қўллаш, ва айниқса, ҳозирги замон шароитида ўта муҳим бўлган миллатнинг илмий–техникавий салоҳиятини юксалтириш заминида фаровон ва озод истиқболни яратишдир.**

**ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДАСТУРИДАН**



Яқинда Муқимий номидаги Мусиқали драма театри биносида Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг 21 та шаҳар ва туман кенгашларидан 400дан ортиқ делегат иштирок этди.

Конференция аввалида республикамиз мадҳияси янгради. Шундан сўнг йиғилишни ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Шарифа Салимова очиб берди ва бошқарди. Конференция аввалида кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Ш.Салимованинг ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

— Бундан ўн уч йил муқаддам XX аср тарихида қутлуғ ва буюк бурилиш бўлган, узоқ йиллар мобайнида мустамлакачилик сиёсати ва зулми асоратида сақлаб келинган Ватанимиз мустақиллигининг қўлга киритилиши халқимиз юрагидаги асрий армонлар ушалиши, орзу-умидлар рўёби учун улуғ имкониятлар эшигини очиб берди,— деди маърузачи ҳисобот аввалида.— Ватан ҳурриятини кута–кута, унга етолмай, бу дунёдан ҳасрат ва хўрлик ила кўз юмган улуғларимиз–ўз қайғулари ва орзуларини юрак қони билан битган юртнинг асл ўғлонлари Абдурауф Фитрат: «Ватан–у менинг жону таним, саждагоҳимдир. У менинг тўлин ойим, тинч–омонлигим, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур... Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ–менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ–менинг тириклигимдур» деб ёзганида, Абдулла Қодирий: «Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Абу али Ибн Сино каби олимларнинг ўсиб–унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағувчи,албатта, Тангрининг қаҳрига сазовордир» деб ёзганида бугун сиз ва биз яшаб турган саодатли кунларни орзулаган эдилар. Муҳтарам Президентимиз: «Озодлик деганда, биз, аввало неча–неча аждодларимиз шунга интилиб яшаганлигини, озодлик ҳисси асрлар мобайнида улар ҳаётининг мазмун–моҳиятини белгилаб келганлигини унутмаслигимиз лозим. Жалолиддин Мангуберди каби баҳодирларни шундай юксакликка кўтарган ҳам унинг Ватан озодлиги учун фидойилиги, Чингизхонга қарши ўн йиллар мобайнида мардона курашганлигидир.



Юртимиз неча бор таланган, босқинчилар неча бор Самарқанду Бухоро каби қадим шаҳарларимизни ёқиб юборган. Неча бор бу миллат қирғин қилинган. Лекин барибир озодлик деб яна кўтарилган. Миллатнинг фидойи ўғлонлари озодлик деб ҳаётнинг юзини кўрмай ўтиб кетганлар» деб ёзганларида нақадар ҳақли эдилар.

1995 йилнинг 3 июнида ташкил топган Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси мустақил миллий давлатчиликни оёққа қўйиш, ноёб маъна–

**(Давоми 2-бетда)**

## УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

**Ўзбекистон Миллий матбуот маркази мажлислар залида.**

**ЎзМТДП Марказий кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда сайловларга тайёргарликнинг бориши партиянинг III-қурултойи кун тартиби ҳамда Пленум ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси И. Ғафуровнинг бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз лавозимидан озод қилиш ҳақидаги илтимосини кўриб чиқди. Хуршид Набиевич Дўстмуҳамедов ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси этиб сайланди. И. Ғафуров партиянинг идеология ишлари бўйича котиби этиб сайланди. Пленумда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловида ЎзМТДП иштирок этишини қўллаб-қувватловчи тўлдирилган имзо варақаларини тўплаш ишлари ниҳоясига етди. ЎзМТДП Марказий Кенгаши мазкур хужжатларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш учун тайёрлаш ишларини якунлади.**

* * *

**Жойларда вилоятлар Кенгашларининг сайловолди конференцияларини ўтказиш ниҳоясига етай деб қолди. Кейинги бир ҳафта ичида Қорақалпоғистон Республикаси Марказий Кенгаши, Хоразм, Наманган, Андижон вилоят Кенгашлари конференциялари бўлиб ўтди. Конференцияларда партия Қурултойига тайёргарлик, кенгаш фаолияти ҳақида ҳисобот, тафтиш комиссияси ҳисоботи, ЎзМТДПнинг сайловолди ҳаракат Дастури лойиҳаси муҳокамаси ва амалдаги Низомига доир таклифлар, мазкур Кенгашлардан Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига номзодлар рўйхатини партия Қурултойига тақдим қилиш ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан конференцияларда тегишли қарорлар қабул қилинди.**

## ЎзМТДП вилоят кенгашлари диққатига!

ЎзМТДПнинг III қурултойи Тошкент шаҳрида, 27 октябрь куни соат 10.00 да очилади. Қурултой Тошкент шаҳар Киночилар уйида бўлади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 98–уй

**ЎзМТДП Марказий кенгаши.**

*Кучли давлатдан — кучли жамият сари!*

## САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

Республикамиз ўз суверенитетини қўлга киритгач ўз олдига бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат барпо этишни олий мақсад қилиб қўйди. Ва шу мақсад ила ёш мустақил давлатимиз олға қадам ташлай бошлади. Мамлакатда демократияни қарор топтириш бўйича жамиятни ислоҳ қилишга киришилди. Ўзбекистон Республикаси ўз миллий хусусиятдан келиб чиққани ҳолда тараққиётнинг ўзбек модули асосида ривожлана бошлади. Фуқароларни давлат бошқарувига жалб этиш учун уларнинг бундай ҳуқуқлари Конституция ва қонунлар даражасида мустаҳкамланди.

Конституциямизнинг 32-моддасига кўра «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўз-ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади», дейилади. Ушбу конституциявий норманинг мантиқий давоми сифатида Конституциямизнинг 117-моддасини келтириш мумкин. Унга асосан, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади» дейилади. Бундан ташқари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи яна бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари билан кафолатланган.

Умуман фуқароларимиз бугунги кунда сайлов ҳуқуқи ҳақида қандай тушунчага эга? Афсуски, турли хил объектив ва субъектив сабабларга кўра кўплаб фуқароларимиз сайлов ҳуқуқи ҳақида жуда тор тушунчага эгадирлар.

Бугун биз ёритмоқчи бўлаётган масала ҳам айнан сайлов ҳуқуқининг мазмун моҳияти ва турлари ҳақидадир.

Хўш, сайлов ҳуқуқи деганда биз нимани тушунишимиз керак? Сайлов ҳуқуқи жуда кенг тушунча ҳисобланиб, уни бир-икки оғиз сўз билан таърифлаб бўлмайди. Сайлов ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқнинг энг асосий институтларидан биридир. Демократияни жамиятда қарор топтириш механизми ҳам айнан сайлов ҳуқуқи орқали амалга оширилади.

Умуман сайлов ҳуқуқи атамасини икки хил маънода тушуниш мумкин, яъни объектив ва субъектив маъноларда. Объектив маънодаги сайлов ҳуқуқи бу конституциявий ҳуқуқнинг бир тармоғи бўлиб, сайлов ҳуқуқини тартибга солувчи, уни кафолатловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Бундай нормалар муайян давлатнинг конституциясида, алоҳида сайлов тўғрисидаги қонунларда ўз аксини топиши мумкин.

Субъектив маънодаги сайлов ҳуқуқи эса бу аниқ бир шахснинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқидир. Одатда бундай ҳуқуққа эга бўлиш учун фуқаро олдига бир қанча шартлар қўйилади, масалан, шахснинг айнан сайлов ўтказилаётган давлат фуқароси бўлиши, ақли расолиги, муайян ёшга етганлиги ва шунга ўхшаш бошқа шартлар.

Субъектив маънодаги сайлов ҳуқуқи ҳам ўз навбатида икки турга бўлинади: актив ва пассив сайлов ҳуқуқи. Актив сайлов ҳуқуқи бу сайлаш ҳуқуқидир, яъни фуқаро томонидан у ёки бу номзодга овоз бериш ҳуқуқидир. Пассив сайлов ҳуқуқи эса сайланиш ҳуқуқидир, масалан, президентликка, парламентга ва шу кабилар. Фуқаро актив сайлов ҳуқуқига эга бўлиши мумкин, лекин пассив сайлов ҳуқуқига эга бўла олмаслиги мумкин. Масалан, 18 ёшга етган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси парламент ёки президентлик сайловларида иштирок этиши мумкин, лекин фақат актив ҳуқуқ орқали, пассив ҳуқуқ орқали иштирок этиш учун эса қонунда белгиланган муайян шартларга жавоб бериши зарур.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида актив сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқаро 18 ёшга тўлган бўлиши зарур. Лекин истисно ҳолатлар ҳам учраб туради, жумладан, Эрон, Бразилия, Куба давлатларида 16 ёш белгиланган, Марокашда 20 ёш, Латвияда эса 21 ёш қилиб белгиланган. Пассив сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун эса одатда бир оз каттароқ ёш белгиланади. Франция парламентининг қуйи палатасига сайланиш учун 23 ёшга етганлик талаб этилади, Италия парламентининг юқори палатасига эса 40 ёш талаб этилади. Бундан ташқари Италия қонунчилигига асосан фуқароларнинг актив сайлов ҳуқуққа эга бўлишлари ҳам (сайлаш ҳуқуқи) турли хил ёшлардадир. Жумладан, Италия парламентининг қуйи палатасига бўладиган сайловларда 18 ёшга тўлган фуқаролар иштирок этсалар, юқори палатасига бўладиган сайловларда эса 25 ёшга етган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш (актив) ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқ уларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 117-моддасида, «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролари сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида ва шу каби бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Фақатгина конституция ва қонунларда белгиланганидек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловларда қатнашмайдилар.

Фуқароларимизнинг сайланиш ҳуқуқини (пассив) эса қуйидагича изоҳлаш мумкин: Сайланиш ҳуқуқи сайлаш ҳуқуқидан бир оз фарқ қилади. Масалан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатликка сайланиш учун фуқаро сайлов куни 25 ёшга тўлганлиги ва камида Ўзбекистон ҳудудида 5 йил муқим яшаётган бўлиши шартдир, ёки Президентликка сайланиш учун фуқаро 35 ёшга етган бўлиши, давлат тилини яхши билиши, бевосита сайловгача 10 йил камида Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши зарур ҳисобланади.

Кўриб турганимиздек бизнинг Республикамизда ҳам фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ўзига хосдир.

Давлатимизда бугун парламент ислоҳотлари бошлаб юборилганлигидан барчамиз хабардормиз. 2004 йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтадиган сайловлардан кейин парламентимиз саналмиш Олий Мажлис профессионал парламент даражасига кўтарилади. Ва парламентнинг келажак истиқболида фуқароларнинг сайловларда иштирок этиши катта аҳамият касб этишини бугун ҳар бир фуқаро тушуниши лозим. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фуқароларимизни бўлажак сайловларда ўз сайлов ҳуқуқларидан фаол фойдаланишга чақириб қоламиз.

**Нодир САЛАЕВ.**
**ТДЮИ 3-курс талабаси.**

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

***Сайлов бюллетенлари қайси тилда нашр этилади? Участка сайлов комиссияларига сайлов бюллетенлари ким томонидан ва қачон берилади?***

**Азизбек Жўраев.**
**Сурхондарё вилояти.**

— Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда нашр этилади. Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида » ги Қонуннинг 35–моддасида ёзилган. Мазкур Қонуннинг 36–моддасига кўра, участка сайлов комиссияларига сайлов бюллетенлари округ сайлов комиссиялари томонидан сайловга камида уч кун қолганида берилади.

***Марказий сайлов комиссияси ким томонидан ва қандай таркибда тузилади? Бу комиссиянинг ваколатлари ким томонидан тугалланиши мумкин?***

**Дилрабо СОЛИЕВА.**
**Жиззах вилояти**

— Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис томонидан камида 15 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. Бу комиссиянинг ваколатлари Олий Мажлис томонидан тугатилиши мумкин.

« Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида »ги Қонуннинг 3–моддасида бу ҳақда маълумот берилган.

# ИШҚ МЎЪЖИЗАСИ — БУ!

Талабаликнинг қийинчиликлари, синов-имтиҳонлари кўп. Лекин барибир талабаликни «олтин давр» дейишганича бор экан. Агар талаба бўлмаганимда Қашқадарёлик дўстларим қайда эди-ю, Косондан Ғузор туманига келин тушириб бориш завқи қаёқда эди. Тўй баҳона Қашқадарё вилоятининг кўп жойларини кўриб қайтдим, тўй билан боғлиқ одатларига гувоҳ бўлдим. Ҳозир кўнглимга тугилган гапларнинг ёзилишига ҳам бир одат сабаб бўлди. Бу одат ҳамма вилоятларда бўлса керак-келин ва куёв ўзлари яшаётган жойдаги улуғлар хокини зиёрат қилишар экан, бу билан ўтмишдаги буюк аждодларимиз хотирасига ҳурматларини билдиришади.

Биз ҳам шу анъанага мувофиқ Косондан Ғузорга-куёвникига кетаётиб, аввал Қарши шаҳридаги «Мотамсаро она» ёдгорлик мажмуаси зиёратига тўхтадик. Туфлим оёғимни қисиб юборгани, юришга қийналаётганим учун машинадан тушмадим. Кейин Ғузорга, «Тоҳир ва Зуҳра» зиёратгоҳига бордик. Машинадан тушмай десам, кўришни орзу қилиб юрган жойим (дугонам кўп мақтаган эди), тушай десам оёғим азоб беради. Менга қолса тезроқ куёвникига борсак, дахмаза туфлини ечсаму қутулсам, деган хаёлдаман. Бўлмади, тушдим. Салқин, сокин, бир текис экилган арчаларнинг, турфа гулларнинг кузги яшилликларидан янаям сокинлашган гўша. Бу манзараларга маҳлиё бўлиб турганимда яна оёғимда оғриқ турди. Айниқса, зиналардан чиқиб-тушиш азоб бўлди. Йўлаклардан юриб борар эканмиз кўнглимга ҳеч нарса сиғмас, туфлимни ечиб улоқтиргим келарди. Мана, битта ёдгорликдан ўтдик. Бир томонда оқ гул, бир томонда қизил гул, ўртада чақиртиканак. «Ҳа, ўқиганман-Тоҳир, Зуҳра, ўртадагиси Қоработир» бефарққина ўйладим. Уф, яна зиналар, яна йўлак. Мана, ниҳоят жуфт қабр. Келин-куёв қабр пойига гул қўйишди. Кейин ҳамроҳларимиз қабрларнинг пойгак томонига, куёв ўз дўсти ва мен келин билан қабрнинг бош томонидаги ўриндиққа ўтирдик. Хайрият-э, жоним ором топди. Узун чопон, бошига дўппи кийган қори сокин овозда тиловат бошлади. Бирдан... онгим ёришиб кетди, хаёлимни чақиндек бир нарса кесиб ўтди. Ўйларим тиниқ тортди. Қабрларнинг бири катта, бири кичик эканини ҳам энди сездим (негадир юрагим эзилди...).

Каттаси Тоҳирнинг, кичиги Зуҳранинг қабри бўлса керак. Тавба, қабр ҳам шунчалар чиройли бўладими? Йўқ, чиройли деб қабрлар гумбазидаги жимжимадор нақшларни айтмаяпман, мен ҳозир ўша пайтдаги ўйларимни ёзяпман. Қабрлар севгидан сўйларди, севишганларнинг мангу макони эди, шунинг учун ҳам негадир «чиройли» деган сўзга лойиқ туюлди ўша пайтда. Лекин бу чиройда чексиз мунг бор эди, Чексиз Мунг... Сокин тиловатга сомеъ бўлиб жуфт қабрга термулганча ўтирар эканман, кўз олдимда кўркам ва оқ юзлик, келишган қора кўзли, мутаносиб қора қошли йигит, қора кўз, қуюқ жингила киприк, тим қора кўзли, қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиқ қош, тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзли малак билан намоён бўлди. Ажаб Тоҳир ва Зуҳра бир-бирига ўхшар экан. Ёки ҳамма севишганлар-чин севги эгаларининг сиймоси бир-бирига ўхшайдими?! Ахир ҳозирги таъриф Отабек ва Кумушнинг суратига берилган таъриф-ку, ёд бўлиб кетган бу чизгиларни нега Тоҳир ва Зуҳранинг суратига кўчирдим. Чин ишқнинг мўъжизасими бу? Шу ўйлар асносида мени кўп бор йиғлатган Отабек ва Кумушнинг аччиқ, бироқ барибир ёруғ ишққа тўла қисматларини эслайвердим.

*Аё чарх, этдинг ортуқ*
*жабр бунёд,*
*Кўзим ёшлиғ, тилимда*
*қолди фарёд.*
*Ҳаётим лолазоридин*
*аюрдинг,*
*Ёқиб жоним, кулим*
*кўкка совурдинг.*

Тиловат тугади. Юзимга фотиҳа тортаётиб, кўз ёшларимни ҳам астагина сидириб олдим. Нам кўзларим билан қабрлар бошидан ҳозиргина хаёлимда такрорлаганим-тўртликни қидирдим, йўқ. Бирдан англадим, бу-Кумушбибининг қабртошидаги ёзув эди-ку! Ажаб, яна нега хаёлим «Ўткан кунлар»га учди? Билмадим, билмадим... Бўғзимга бир нарса тиқилди, қабрларни қучиб йиғлагим келарди...

Йўлак бўйлаб қайтар эканмиз, Севишганларнинг чин қабри озгина олисда жойлашгани ( буни кейин бир дугонамдан эшитдим), бу-уларнинг рамзий қабрлари эканини ҳам унутгандим. Кўзим боя мен эътибор бермай ўтган ёдгорликка тушди-кўз ёшларим дув тўкилди: бир томонда нафис Оқ Гул, бир томонда қизилми, нимпушти чечаклар, ўртада. . .Чақиртиканак. . .

*Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд. . .*

Бор дунёни унутгим келарди. Лекин дугонам-Келиннинг олдида бўлишим, хаёлларимни йиғиб, кўзёшларимни артишим керак. Келин-куёв ортидан борар эканман, ажабландим, туфлим оёғимни қисмаётгандек эди. Уларга етиб олгач, яна ортимга қарадим, қулоғимга эса, жарчиларнинг овози урилгандек бўлди:

*Хон Бобохон қиз кўрди,*
*Отини Зуҳрахон қўйди...*

Машинага ўтириб, ўзимнинг зиёрат бошидаги ўйларимдан оғриниб кетдим. Боягина, тиловатдан кейин ёришган кўнглим Оқ Гул ва Қизил Гул ўртасида ўсиб ётган чақиртиканакдан хира тортарди. Ўша атрофдаги қишлоқнинг номидан юрагим яна бир увушди: ҚОРАТИКАН. Йўқ, ёруғ ўйлар билан зиёратгоҳдан чиққандим, ёруғ ўйлар билан кетишим керак. Ривоятда айтилган-Оқ ва Қизил Гул чақиртиканакни пастда қолдириб, юқорига ўсиб чиқиб бирлашган эди. Ахир бугун севишганларнинг тўйи, улар билан Чин Севги зиёратидан қайтяпмиз ахир...

Машина йўлда кетиб борар экан, ёнимда висол бахтидан сармаст ўтирган жуфтликка Худойимдан Севгилари боқий бўлишини, Уларга ҳамиша Ишқнинг ёруғ манзиллари насиб этиб, Тоҳиру Зуҳроларнинг руҳи ёр бўлишини тиладим.

**Зумрад ВАҲОБОВА.**



## Дийдор онлари яқин...

*Ироқи дўппи, қаро кокиллар... бу оҳу кўзлар кимнинг йўлларига термулган, кимга интизор? Шарқироқ сой бўйида туриб, тошдан-тошга урилиб оқаётган сувнинг оҳангига монанд бир қўшиқ куйлайди кўнгил.*

*Офтобнинг нурлари қаро қошларга эгизак рангли нимчага қадалган мунчоқларни чертиб, кўзни қамаштиради. Нимпушти, ҳарир либоснинг этакларини ўпган майсалар бахтиёрликдан энтикиб кетади: «Дийдор онлари яқин...» Ўсма сувининг бўйи таралган сочларни тортқилаб қизнинг қулоғига шивирлайди еллар: «Дийдор онлари яқин...»*

*Бутун борлиқ бу покиза орзуга интиқ. Сой сувига юзини чайган ялпизлар ҳайратда, энди сувлар-да мастона оқади.*

*Энди оҳиста қадам товушларидан дарахтзордаги қушлар жимиб қолишади. Малакмонанд қизнинг нимтабассуми бахтиёрликдан нишона эмасми?!*

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист НЎЪМОНЖОН МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа**

*Рамазон ўгитлари*

## РЎЗА ШАЙТОННИНГ ЙЎЛИНИ ТОРАЙТИРАДИ

*Рамазон — муборак,муқаддас Қуръони Карим нозил бўлган ой. Шу шарафнинг ўзи унинг таърифи учун етарли. Аммо яна сабр ойи,тақво ойи, покланиш ва тавба ойи, деб ҳам тавсифланади. Бу ой инсоннинг жасади покланиб, руҳи қувватланиб, қалби нурланиб, Аллоҳга тобора яқинлашмоғи учун ҳадсиз имконият майдони — дур.*

*Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Эй имон келтирганлар! (Эй, Аллоҳга ишонган, ислом неъмати билан шарафланиб, ислом неъмати билан файзиёб бўлган бандалар!) Сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби, сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Шоядки тақволи кишилар бўлсангизлар» деб марҳамат қилади.*

*« Тафсири Ибни Касир » да маъно бундай шарҳланади: Бу рўзада баданни поклаш шайтоннинг йўлларини торайтириш (ҳикмати ) бор. Шу жиҳатдан «Саҳиҳайнда » (яъни,Имом Бухорий ва Имом Муслим «Саҳиҳ»ларида) «Эй ёшлар жамоаси! Сизлардан кимики шаҳватта қодир бўлса, у уйлансин. Кимики уйланишга қодир бўлмаса, бас, у рўза тутсин» деган ҳадиси шариф собит бўлди.*

*Дуолар шаксиз ижобат бўладиган муборак рамазон ойининг шарофатидан сиз ҳам баҳраманд бўлинг, Аллоҳ эзгу ниятларингизга етказсин.*

*Спорт оламида*

## ЎЗБЕК ФУТБОЛЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

**Куни кеча Иордания пойтахти Аммон шаҳрида Ўзбекистон футбол терма жамоаси Ироқ термасига қарши майдонга тушиб, 2:1 ҳисобида зафар қазонди. Вакилларимиз бу ғалабадан сўнг Германияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатининг 2-саралаш баҳсларига йўлланма олди.**

## ПЕЛЕ НАФАҚАГА ЧИҚМОҚЧИ

XX асрнинг энг буюк футболчиси Пеле расман нафақага чиқишини маълум қилди. У бунинг учун зарур бўладиган ҳужжатларни тўплаши ва керакли идораларга бериши лозим. Энг қизиғи, унинг нафақаси 900 доллар эканлиги ҳаммани бирдек ажаблантирмоқда.Аслини олиб қаралганда бу пуллар Пеле учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Чунки, унинг шахсий бизнеси, турли даромади 14 миллионни ташкил этади.

Бироқ гап шундаки, футболчи бразилиялик солиқчилар билан келиша олмай қолган. 1996 йили у фирибгарликда айбланиб, қамоққа олинганди. Ўшанда Пеле ўз даромадларининг маълум қисмини солиқ органидан яширган деб топилган. У ақллилик қилиб йиллик даромадини атиги 300 минг доллар деб кўрсатган эди. Бир тарафдан олиб қаралганда уни тўғри тушуниш керак. Айтиш мумкинки, унинг расмий даромадлари қанчалик кўпайса, у ўз болалари учун шунчалик кўп миқдорда алимент тўлашига тўғри келади. Ҳеч кимга сир эмаски, Пеленинг никоҳсиз фарзандлари жуда кўп. Фақатгина айрим аёллар фарзандларининг ҳақиқий отаси у эканлигини исботлашга эришганлар. Шу туфайли Пеленинг даромадларидан алимент олиб турадилар. Мазза қилиб кайфу-сафо қилиб юрган ота эса бундай чигал ҳолатдан қутулишнинг ягона йўли — оддийгина нафақахўр бўлиш керак, деб ҳисоблаган бўлса ажабмас.

## «ПАХТАКОР» ЮҚОРИЛАМОҚДА

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёнинг энг кучли 350 футбол жамоасининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида аниқланадиган рейтингда жамоалар ўз ўринларини тез-тез алмаштириб туради. Октябр ойи учун биринчи поғонани Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси банд этди. Эътиборли томони, бу жамоа сўнгги бор 2003 йилнинг март ойида, яъни 19 ой олдин шу ўринга муносиб деб топилган эди. Кейинги икки поғонани Испаниянинг гранд жамоалари — «Реал» ҳамда «Валенсия» эгаллаган.

Мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» Осиё чемпионлар лигасидаги муваффақиятли ўйинларидан сўнг жадвалда салмоқли силжишга эришган. 160-ўриндан 123-ўринга кўтарилиш, яъни 37 поғона силжиш жамоа ўйинига мос натижа десак, муболаға бўлмайди. Агарда «Пахтакор» чиройли ўйинларни намойиш этаверса, бу кўрсаткичлар янада кўтарилади.

## "ҲАЙВОНОТ БОҒИ"

**МАСНАВИЙ**

***Кўзга шиша ойнагини***
***қўндириб,***
***Мактаб очди Ҳаккуш жуда***
***дўндириб.***

***Саъва булбул ўрганишиб***
***илм-фунун,***
***Ушбу даргоҳ шуҳрат топди***
***куну тун.***

***Эълон қилди навбатдаги***
***қабулни,***
***Танламоққа синов этиб***
***мақбулни.***

***Деди келиб ҳузурига***
***Қурбақа:***
***— Олиб келдим сизга икки***
***чурвақа.***

***Бу ўғлим, бу неварамиз —***
***қизники,***
***Эти сизга, суяклари***
***бизники.***

***Сув булбули деган машҳур***
***номим бор,***
***Кўлмак, ботқоқ аҳли ичра***
***шоним бор.***

***Бизни кўрган***
***сесканмасдан қолмайдур,***
***Қайси бақа катта ҳаллос***
***олмайдур?!***

***Эшитгансиз, қоқса отга***
***тақани,***
***Бизгаям, деб кафтин***
***тутган бақани.***

***Орзум ошса, гапнинг***
***ҳаққин сўзлайин,***
***Мадҳингизни қўшиғимда***
***куйлайин...***

***Эшак келди хўтигини***
***бошлабон,***
***Мақтаб кетди яғирини***
***қашлабон:***

***— Ақл тўла боши, қаранг,***
***йирикдур,***
***Давангирроқ, аммо кўзи***
***тирикдур.***

***Ўзи ёшу аллақачон***
***ҳанграйди,***
***Саси карнай овозидай***
***янграйди.***

***Олинг шуни, бўлай яқин***
***кишингиз,***
***Қилиб берай бўлса бирор***
***ишингиз...***

***Нимяланғоч келди урғочи***
***Тулки,***
***Беқайду беҳаё, бузуқдир***
***хулқи.***

***Тулкичасин хислатлари***
***туғмамиш,***
***Иқтидори Аллоҳ берган***
***туҳфамиш.***

***Минг ниқобга солар эмиш***
***бетини,***
***Ҳар мақомга ўйнатармиш***
***кетини...***

***— Кеча қўнди карвонимиз,***
***— дер Туя,—***
***Ота-бобо касби***
***тижоратқуя.***

***Ушбу ўғлим ҳаммасидан***
***ёшидур,***
***Ҳудудида туячалар***
***бошидур.***

***Гоҳи-гоҳи нағма-наво***
***қилади,***
***Битта сўзни юз айтмоқни***
***билади.***

***Кўп келишган, қаранг,***
***қадди-бастиям,***
***Киборлардан асли ўзи***
***наслиям.***

***Отгунича кўча-куйда***
***шаталоқ,***
***Ўқиб турсин сизда***
***бизнинг бўталоқ.***

***Яхшиликнинг баҳосини***
***билгаймиз,***
***Харажати қанча бўлса***
***қилгаймиз...***

***Мода Айиқ келди авзойи***
***бузуқ,***
***Қўш-қўш занжир тақиб ва***
***қўш-қўш узук.***

***Ҳаддан ошиб кетган ясану***
***тусан,***
***Бир ёнда Ҳасану бир ёнда***
***Ҳусан.***

***Деди: — Маймоқ акам***
***тайин этганлар,***
***(Ўзлари дам олиш учун***
***кетганлар).***

***Бўлсинмиш иззату-ҳурмат***
***киройи,***
***Синфнинг олдида***
***буларнинг жойи...***

***Қадам босди бунга яна***
***кўк бўри,***
***Етди бир ўринга унинг ҳам***
***зўри.***

***Олашақшақ келиб ичдики***
***қасам:***
***— Худо урсин сени гумдон***
***қилмасам.***

***Бурноғи йил ҳузурингда***
***бўлгандим,***
***Энди барча кирдикоринг***
***ўргандим.***

***Талабани тўғри танлаб***
***термадинг,***
***Қув боламни булбул қилиб***
***бермадинг...***

***Тағин неча жонзод келиб***
***етдилар,***
***Бир-бир бу даргоҳни***
***ишғол этдилар.***

***Ана шундан ўша билим***
***ўчоғи,***
***Бўлиб қолган эмиш***
***"Ҳайвонот боғи"...***

**Ғайбиддин ФАЗЛИЕВ.**





*Аждодлар шаҳди бор ҳар бир ўғил-қиз*
*Чақноқ юлдуз бўлиб порлайди албат.*
*Ўзбек спортчисин тетик қўлидан*
*Ғолиблик байроғи тушмасин ҳеч вақт!*

*Дастурхон кўрки*

## «ТАБАССУМ» ТОРТИ



**МАСАЛЛИҚ :** 9 дона тухум, 2 ош қошиқ сув, 5 ош қошиқ шакар, 10 ош қошиқ майдаланган ёнғоқ мағзи, 4 ош қошиқ нон толқони.

**ТАЙЁРЛАШ :** Юқорида кўрсатилган масаллиқлардан тайёрланган аралашма-хамир қолипда пиширилади. Совиган кулчани иккига бўлиб, шарбат шимдирилади.

Тортни шоколадли крем билан, дидингизга қараб безатишингиз мумкин.

**ШАРБАТ ТАЙЁРЛАШ :** 0,5 стакан шакарни 0,5 стакан иссиқ сувда эритиб, совутилади. Эритмага 1 ош қошиқ ароқ қўшилади.

**ШОКОЛАДЛИ КРЕМ УЧУН :** 1 банка қуюлтирилган сут, 200 гр. сариёғ ва 5–6 қошиқ какао керак бўлади.

## ЖУМА ТАЪБИРНОМАСИ

**Жума ( Одина ) куни уйдан-уйга кўчсангиз, янги уйингизга меҳмон келади. Шу куни янги пичоқ тутиш ҳам яхши одатдир, енгиллик билан топиш-тутишингизга барака киради. Жума куни янги кийим кийиш ҳам кўп фойдали, иззат-икром кўрасиз. Одина куни тирноқ олсангиз, анчадан буён ечилмаётган муаммоларингиз ҳал бўлиб, ишларингиз бароридан келади, йўлингиз равон, кўнглингиз равшан бўлади. Шу куни қулоғингиз қичишса, меҳмон кутишга ҳозирланаверинг. Агар кўзингиз учса, меҳмондорчиликка борасиз, яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўласиз. Жума куни фарзанд туғилса, мўмин, мусулмон бўлади. Исм қўйишда ҳам бир нарсага эътибор беринг! Шу куни туғилган фарзанд ўғил бўлса, исмини Одам ёки Адҳам қўйинг. Одина куни сафарга чиқиш яхши, ғусл қилиш ҳам савобли иш, боғланган ишларингиз тез орада юришиб кетади. Деҳқончилик қилиш ҳам баракали якун топади.**

## МАСЛАҲАТХОНА

Тишингиз қаттиқ оғриса, қалампирмунчоқни ивитиб, шимдирилган пахтани оғриётган жойга қўйинг ёки ўзини чайнанг.Қалампирмунчоқ таркибида эвекнгол моддаси бўлиб, у модда тиш ва томоқ оғриғини қолдириш хусусиятига эга.

* * *

Меъёридан ортиқча ухлаш айрим касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

* * *

Семиришни истамайдиганлар овқатни кўк ёки яшил идишда еганлари маъқул. Чунки, бу ранглар иштаҳани карнай бўлишдан сақлайди.

* * *

Хом пиёз ёки саримсоқпиёзни доимий равишда, лекин меъёрида истеъмол қилиш организмнинг касалликларга қаршилик кўрсатишига ёрдам беради.

* * *

Ош тузини кўп истеъмол қилиш (овқатни шўр тановул қилиш ) қон босимининг ошишига сабаб бўлади.

* * *

Тирноғингизни тўғри олинг.Тирноқ нотўғри олинганда тери яллиғланиб, кишига қаттиқ азоб беради.

Ана шундай нохуш ҳолат юз бермаслиги учун уни охиригача, ёйсимон шаклда олмаслик керак. Тирноқнинг бу усулда олиниши тери шамоллаб, яллиғланишига ҳам сабаб бўлади.

* * *

Тирноқ қайрилиб,эт ичига ўса бошласа, клюква мевасининг суви сиқиб олиниб, тирноқ атрофидаги шикастланган жойга тез-тез суриб турилса, жароҳат тез битади.

**М. ҚОДИРОВ.**

*Ғаройиб дунё*

## КЕЛГИНДИЛАР ИШОРАСИ

Россиянинг Ульяновск вилоятида ажабтовур ҳодиса рўй берди. Шу ерда яшовчи ҳаваскор фотограф Виталий Иванов кутилмаганда бошланган чақмоқни суратга олди, чунки чақмоқ бирдан бошланишидан ташқари, унга ғалати туюлди. Расмларни дарҳол кўздан кечирганда эса, чақмоқ чақиш устида бир хил масофада учта олтилик рақами борлигини аниқлади. Кейинги суратлар эса, бундан ҳайратланарли эди. Чақмоқ чақинлари бўйлаб уч нафар одамсимон келгиндилар юрганлиги ва ерга саволомуз нигоҳда қараб тургани расмларга муҳрланган. Фалакшунослар Виталий Ивановнинг суратлари сохта эмаслигини текшириб кўрди. Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича текширувлар олиб борилмоқда.

## АЁЛЛАР УЧУН ТАКСИ

Хитойда сўнгги йилларда аёлларга тегажоғлик қилиш кўпайиб бормоқда. Бунинг сабаби, эркаклар сони аёлларга нисбатан бирмунча кўп. Хитой полициячиларининг аниқлаши бўйича, бир эркак камида тўрт аёлга тажовуз кўрсатмоқда. Бу ҳол кўпроқ такси ҳайдовчилари томонидан юз бермоқда. Шунинг учун шахсан аёллар учун хизмат кўрсатадиган таксилар пайдо бўлди. Ҳайдовчилар ҳам, албатта, аёллардир. Бунга сабаб, юқоридаги ҳолатлардир. Хитойлик хонимларнинг аксарият қисмига эркакларнинг ўзбошимчаликлари хуш келмайди ва тегишли идораларга мурожаат қилишмоқда. Ана шуни ҳисобга олган ҳукумат аъзолари аёллар таксиларини жорий этишга мажбур бўлишди.

**С. ШОШИЙ тайёрлади.**

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 1130. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00